

ПЕШҚАДАМЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Фурқат туманининг "Дўстлик водий файзи" массивида жойлашган "Абадий дўстлик рамзи" фермер хўжалиги биринчи теримдаёқ пахта топшириш шартнома режасини ортиғи билан бажарди.

"Абадий дўстлик рамзи" фермер хўжалиги аъзолари 17,9 гектар ерда пахта етиштириб, ҳозиргача туман хирмониغا 56 тоннадан ортиқ ҳисса қўшдилар.

Шу муносабат билан Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов, сектор раҳбарлари ҳамда кластер раҳбари ғолиб фермернинг хонадонига карнай-сурнайлар садоси остида кириб бордилар.

Туман ҳокими фермер хўжалиги раҳбарига тўн кийдириб, фурқатликларга хос шижоат ва матонат кўрсатганини эътироф этди ҳамда миришкор фермерга кластер раҳбари билан биргаликда ташаккурнома ва эсдалик совғаларини топширди.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ







2021-09-20 08:52:43